


Шаржа шаҳрида Ислом санъати кўргазмаси ўтказилмоқда



11:40 / 05.05.2021 883

БААнинг Шаржа шаҳрида Ислом санъати ва тарихига бағишланган «Шарқдан эртақлар» кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда [gulf news](#) манбасига таяниб, [iqna.ir](#) хабар беради.



Кўргазма бешта бўлимга бўлинган. Бўлимларнинг бирида энг қадимий Қуръон қўлёзмалари тақдим этилган. Ушбу Қуръонлар асрлар давомида Ислам хаттотлигини акс эттиради.



Бундан ташқари, бир неча асрларга оид ёзма материаллар ва нодир буюмларнинг кенг тўплами намойиш этилган. Улардан баъзилари Бирлашган Араб Амирликларининг соғлиқни сақлаш вазири доктор Абдул Раҳмон бин Муҳаммад Ал Увайсининг шахсий коллекциясидан олинган.

Хуршид Маъруф тайёрлади